

РЕЖАПОВ Хайрилло Хикматуллаевич,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети мустақил-тадқиқотчиси;

ЙЎЛДОШЕВ Турсунбой Жўрабой ўғли,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети Талабалар илмий жамияти аъзоси

ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ БЕРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ

УДК: 331.0.378.1

**РЕЖАПОВ Х.Х., ЙЎЛДОШЕВ Т.Ж. ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ БЕРИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ**

Мақолада хорижий мамлакатларда олий таълимда таҳсил олаётган талабаларга қарзлар, кредитлар ажратиш моҳияти, хусусиятлари, шакллари ва моделлари қиёсий таҳлил қилиш асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга кредит бериш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч изборалар: олий таълим, таълим кредити, таълим ссудаси, талабаларни молиялаштириш фонди, талабаларни молиялаштириш.

**РЕЖАПОВ Х.Х., ЙЎЛДОШЕВ Т.Ж. ПРИМЕНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КРЕДИТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

В статье с помощью сравнительного анализа рассмотрены суть и формы, модели предоставления кредитов в зарубежных странах студентам высших учебных заведений. В том числе даны предложения по совершенствованию предоставления образовательных кредитов студентам высших учебных заведений в стране.

Ключевые слова: высшее образование, образовательные кредиты, образовательные ссуды, фонд финансирования студентов, финансирование студентов.

**REJAPOV X.X., YULDASHEV T.J. IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL EXPERIENCE OF
EDUCATIONAL LOANS IN UZBEKISTAN**

In article provide comparative analysis of educational loans granting to the students of higher educational institutions models' international experiences are considered. As well there are provided recommendations for perfection of granting the educational credits to the students of higher educational institutions in the country.

Keywords: higher education, the educational credits, educational loans, fund of financing of the students, financing of the students.

Жаҳон тараққиётида таълим, шу жумладан, олий таълим иқтисодий ривожланишнинг асосий, энг зарур омили бўлиб қолмоқда. Ҳар бир мамлакатда олий таълим тизими иқтисодиётнинг маркибий қисми бўлиб, талабаларга хизмат кўрсатиш, корпорация, корхона ва фирмаларга олий маълумотли, малакали мутахассислар тайёрлаб бериш асосида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши барқарорлиги таъминламоқда. Шу билан бирга ҳар бир мамлакатда олий таълим тизими белгиланган иқтисодий сиёсат асосида амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётнинг ривожланиши олий малакали мутахассисларни тайёрлаш, илм-фен ютуқларидан инновацион янгиликлар тариқасида фойдаланиш асосида олий таълим индустриясини ривожлантириш орқали давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, унинг жаҳон хўжалиги бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ва максимал даромад олишга қаратилган. Олий таълим тизимига республика изида эътибор берилишидан мақсад жаҳон хўжалиги тараққиётида ўз ўрнига эга бўлиш ва халқаро иқтисодий хамкорликда тенг субъект сифатида қатнашишни таъминлашдан иборат.

Ҳозирги даврда олий таълимга бўлган ёшлардаги интилиш катта. Агарда республика изида мустақиллик йилларининг бошларида олий таълимга бўлган муносабат талаб даражасида бўлмаган бўлса, ҳозирги кунда ёшларни олий малакали мутахассис бўлиши учун имтиёзларнинг кўпайишини олий ўқув юртларидағи танлов маълумотларидан кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим олиш билан боғлиқ бўлган харажат турлари нисбатларининг ўзгариб бораётганини ҳам кўриш мумкин. Аввал олий таълим харажатлари асосан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилган бўлса, ҳозирда бу таълим хизматлари бозори харажатларининг асосий қисми ота-оналар, фирмалар, хусусий тадбиркорлар ва талабалар зиммасига юклитилган. Шунга кўра олий таълим олувчиларни

ижтимоий қўллаб-қувватлашни ошириш, мамлакатимизда таълим кредитлари хусусиятлари ҳамда талабаларга ажратилаётган таълим кредитлари жаҳон тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда таълим кредитлари ажратишни такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Россиялик иқтисодчи Т.Баирампас томонидан таълим кредитларини ривожлантириш, таълимга давлат ва хусусий инвестицияларни суғурталаш ва малакали кадр тайёрлаш масалалари ўрганилган¹.

Бошқа россиялик олимлар В.В.Камионка «янги таълим кредитлари моделларини жорий қилиш истиқболларини»², Д.В.Диденко, Г.А.Ключарев «таълим кредитлари ҳолати, муаммолари ва ечимларини»³ ўз илмий ишларида ёритганлар. Яна бир олим А.Зидерман олий таълим олишни кенгайтиришда таълим кредитлари ролини ўрганган⁴. А.П.Гурьянов ривожланган мамлакатларда

¹ Баирампас Т. Образовательный кредит в России: быть или не быть? // «Качество образования», 2012, № 11. -С. 10–14.

² Камионка В.В. Перспективы внедрения новой модели образовательного кредитования в Российской Федерации. // «Финансы и кредит», 2012, № 31. -С. 34–39.

³ Диденко Д.В., Ключарев Г.А Образовательное кредитование в России: состояние, проблемы, пути решения. // «Финансы и бизнес», 2010, № 1. -С. 142–160.

⁴ Зидерман А. Роль образовательных займов в расширении доступности высшего образования. Социальная дифференциация высшего образования. Независимый институт социальной политики. – М., 2005. -С. 281.

мавжуд кредит моделларини солиштирма таҳлил қилган¹.

Бошқа иқтисодчилар «кам таъминланган оиласлар фарзандлариға грант асосида ёки бепул ўқишига имконият берилиши кераклиги ҳамда таълим кредитларини қайтариш қарз оловчининг даромадидан келиб чиқиб солиқ органлари томонидан даромад солиғини ундириш билан бирга амалга оширилиши кераклигини»² таъкидлаб ўтадилар.

Мамлакатимизда таълим кредитларининг аҳамияти, шакллари ва хусусиятлари бозор талаблари асосида етарли даражада ўрганилмаган. Шунга кўра мамлакатимизда таълим кредитларини ажратиш ҳолатини ҳамда ривожланган мамлакатларда кредит ажратиш моделлари, хусусиятларини ўрганиб чиқамиз.

Ўзбекистон таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишига қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурда 5 йилгача бўлган муддатга, 26 ёшга тўлмаган шахсларга берилади. Олинган кредитлар учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба олий таълим муассасасини белгилangan муддатда тугаллангандан, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади. Қарз оловчи қўйидаги кредитни қайтаришни таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим³:

- мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

¹ Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. // ВЕСТНИК ОГУ №3 (109), 2010 г. март. -С. 30-31.

² Макашина О.В., Чистилина М.А., Практика государственной поддержки предоставления образовательных кредитов в россии и за рубежом. // «Вестник ИГЭУ», 2011, №1. -С. 4.

³ «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 декабрдаги 327-сонли қарори таҳририда. УР ҚҲТ, 2013 й., 50-сон, 654-мода.

- банкнинг кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз оловчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гурӯҳ ногиронлари ва кам таъминланган оиласлардан чиққанлар учун).

Талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги имтиёзлар мавжуд:

- кам таъминланган оиласлардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланиши;
- таълим учун тўловни амалга ошираётган талабалар ҳамда уларнинг ота-оналарига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар тақдим этилган.

Тижорат банклари томонидан тўрт ярим йил давомида 72 мингдан зиёд талабага жами 225 млрд. сўмдан ошиқ миқдорда таълим кредитлари ажратилган. Биргина 2015 йилнинг 6 ойи давомида республика бўйича жами 11106 нафар талабага 35,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган⁴. Бундан мамлакатимизда талабаларда таълим кредитига бўлган талаб ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Хорижий мамлакатларда таълим кредити бериш ривожланган бўлса ҳам таълим кредитларини бериш ҳамма мамлакатларда бир хил эмас (1-расм).

АҚШда талабаларга молиявий ёрдамлар Федерал таълим кредитлари томонидан амалга оширилади, жумладан Stafford, PLUS, Ford Direct Student Loan Program.

⁴ <http://darakchi.uz/uz/article/6411-6-oda-talabalariga-ajratilgan-talim-kreditlari-hajmi-357-mlrd-sumni-tashkil-etdi>

АҚШда молиявий жиҳатдан қийналган талабаларга ва аспирантларга Перкинс (Perkins Loans) кредити имтиёзли равишда берилиб, унинг тўлови ўқиши битиргандан сўнг ўн йил давомида йилига 5 фоиз тўлови асосида қайтарилади. Тўлов муддати ўқиши битиргандан сўнг тўқиз ой ўтгандан кейин бошланади.

Кредит берувчи олийгоҳ бўлиб, уни федерал ҳукумат молиялаштиради. Кредит ҳажми ҳар бир курсга 3000 доллар, аспирантларга 5000 доллар қилиб белгиланган бўлиб, унинг умумий ҳажми талабаларга 15000 доллардан аспирантларга 30000 доллардан ошмаслиги керак.

Хорижий мамлакатларда олий таълимга хусусий ташкилотлар томонидан ҳам кредит бериш мавжуд. Жумладан АҚШда плас-заём (plus Loans) тизими ривожланган бўлиб у банклар ва молиявий институтлар томонидан йилига талабаларга 4000 долларгача кредит берадилар. Унинг умумий қиймати 20000 доллардан ошмаган ҳолда йиллик фоиз тўлови 11,49 фоизни ташкил этади.

Талабалар ота-оналари ҳам фарзандларига ёрдам бериш мақсадида кредит олишлари мумкин. Бу кредит тури хусусий кредиторлар томонидан йилига 9 фоиз тўлови билан кредит олингандан 60 кун ўтгандан бошлаб ўн йил ичida тўланади. Бу тўлов ота-оналар томонидан амалга оширилади.

Хориж мамлакатларида олий таълим хизматлари бозорини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таълим ссудасини бериш асосан кундузги бўлимда ўқийдиган талабаларга энг кам фоиз тўлови билан берилади.

Таълим ссудаси тижорат шаклида ҳам мавжуд бўлиб, унинг мақсади фойда олишдан иборат. Шу билан бирга ижтимоий ссуда бериш ҳам ривожланган. Ижтимоий ссуда беришдан мақсад аҳолининг иқтисодий ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар олий таълим олиш учун шароит яратишдан иборатdir. Ижтимоий ссуда бериш маҳсус ташкил этилган фаолияти чекланган банк таркиблари томонидан амалга оширилади.

Таълим ссудасини олиш ҳамма мамлакатларда бир хил эмас. Англияда талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва таълим грантларини ажратиш энг кўп салмоқقا эга ва давлат назоратида бўлган Student Loans Company томонидан амалга оширилади. Қолган молиявий ёрдам турлари муниципиал (маҳаллий бошқарув) органлари томонидан тартибга солиб турилади (Local Education Authorities – LEA)¹.

Student Loans Company томонидан талабаларни молиялаштириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ўқиши қийматини тўлиқ қопловчи таълим кредитлари;
- яшаш учун кредит;
- яшаш учун грантлар;
- университет ва коллежлар грантлари ва стипендиялари;
- ёш фарзадларни тарбиялаш учун грантлар;
- қарамоғида бўлган катта ёшдагиларга нафақалар (Adult Dependents Grant);
- ногирон талабаларга бериладиган нафақалар (Disabled Students Allowance);
- мажбурий академик таътил олган талабаларга ажратиладиган грантлар (Care Leavers Grant);
- тиббиёт ва стоматология факультети талабалари учун сафар грантлари (Travel Grant).

Англияда 1988 йилдан бошлаб исталган талаба моддий ҳолатидан қатъий назар 50 йилгача кредит олиши мумкин. Таълим ссудаси олингандан тўқиз ой ўтиб тўлай бошланади.

Таълим ссудасини қайтариш тартиби қўйидагича:

- қайтариш муддати белгиланган бўлиб, олинаётган даромад ўртacha даромаднинг 85%идан кам бўлса, тўлов муддати узайтирилади;
- тўлов суммаси йиллар бўйича ўзгариб бориши мумкин;

¹ Айдрус И.А., Филиппов В.М. Мировой рынок образовательных услуг. – М.: РУДН, 2008. –С. 123.

1-расм. Хорижий мамлакатларда таълим кредити бериш шакллари¹.

Хорижий мамлакатларда таълим кредитлари бериш шакллари

Англияда талабаларга кредит фоизи инфляция даражасида белгиланади. Даромади паст кредит олган олий маълумотли мутахассисларга кредит қайтариш муддати узайтирилади. Унинг олаётган даромади ўртача даромаднинг 85и% дан кам бўлса, тўлов муддати узайтирилади.

АҚШда бир неча кредит турлари мавжуд:

- давлат кредити ва хусусий кредит. Бундан ташқари умумлашган заём бўлиб, паст фоиз даражаси билан қайтарилади;
- федерал заём ёки стаффорд кредити икки кўринишда:
 - а) хусусий кредитор, банк, кредит иттифоқлар орқали берилади, белгиланган фоизлар турли даражада бўлади;
 - б) давлат ҳукумати томонидан талаба ёки унинг ота-онасига берилади. Бу кредит давлат кафиллиги асосида 8 фоизни ташкил этади.
- Устама тўлаш асосида 4 йилгacha ва 10%и охирги ўқув йилида тўланади.
- Стаффорд кредитида субсидия қилинган кредит тўлов фоизлари давлат томонидан субсидия қилинмаган кредит фоизи талаба томонидан олий ўқув юртини тамомлагунга қадар тўланади.
- Субсидия кредитини олиш учун талаба молиявий заруриятни асослаши керак;
- Носубсидия кредитини исталган талаба унинг молиявий ҳолатидан қатъий назар олиши мумкин.

Финландияда 70 фоизгача талабалар кредитлар олишлари мумкин; талабаларнинг қарзи чекланган муддатга йиллик 2% тўлов билан берилади.

Австралияда исталган талаба йилига 5000 еврогача таълим кредитини олиши мумкин, унга фоиз тўланмайди; талаба кредит тариқасида олган 5000 европни қайтариш муддати талаба ўқишини битиргандан сўнг оладиган даромад даражасига боғлиқ бўлади.

Голландияда талаба кредитини талаба 30 ёшгача олиши мумкин;

- кредитнинг энг катта миқдори 8500 европни ташкил этади;
- кредитдан фойдаланиш талаба ихтиёрида;
- талаба кредити йиллик 3,7%ни ташкил этади;
- талаба кредитни ўқишини битиргандан икки йил ўтиб 15 йил давомида тўлайди;
- даромади паст ва ўқишини муддатидан илгари битирганларга имтиёз берилади;
- кредит давлат бюджетидан тўланади.

¹ Муаллиф томонидаги манбалар асосида ишлаб чиқилган: Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. ВЕСТНИК ОГУ №3 (109), 2010 г. март, -с. 30-31; Экономические инструменты повышения доступности высшего образования. Бюллетень о сфере образования. Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. 2015 г. сентябрь, -с. 16.

- тўлов муддати қарз даражасига қараб белгиланади;
- тўлов муддати даромад солиқ тўловларидан келиб чиқсан ҳолда таълим ссудаси қопланиб борилади.

Японияда таълим ссудаси йилига 3% фоизлик тўлов билан қийматли ўқиш ихтисослигига, жумладан, тиббиёт, стоматология ва шу каби соҳаларга 6,5% қўшимча тўлов тўланади.

Швецияда олий таълим хизматлари бепул бўлиб, аммо талабалар жорий (озиқ-овқат, яшаш ва китоб сотиб олиш) харажатларни ўз ҳисобидан қоплайдилар. Швецияда қарийб 95% талабалар давлат кредит муассасаларига мурожаат қилиб, йиллик 1,5-2%дан 17-23 минг АҚШ долларигача кредит олишлари мумкин. Кредитни қайтариш муддати белгиланмаган. Баъзан кредитни қайтариш нафқага чиққунга қадар давом этиши мумкин¹.

Германияда талабалар олий таълим олиш учун пул тўламайдилар, аммо ўқиш билан боғлиқ харажатлар учун таълим кредитларидан фойдаланадилар. Кредит маблағларининг 65%и федерал бюджетдан, 35%и ҳудудлар маблағлари ҳисобидан берилади. Кредитни қайтариш муддати ўқиш тугагандан сўнг 5 йилдан кейин бошланиб узоғи билан 15 йилгача муддатга берилади.

Германияда давлат ва хусусий ҳамда соғхусусий таълим кредити қўлланилади. Давлат хусусий таълим кредитидан барча кундузги бўлим талабалари 18 ёшдан 30 ёшгача фойдаланишлари мумкин. Таълим кредитининг энг юқори қиймати йилига 7800 евродан иборат. Кредит фоизи 5,95-8,38%ни ташкил этади. Кредитни қоплаш муддати 6-23 ойдан кейин бошланиб, уни қайтариш муддати 25 йилгача бўлиши мумкин. Хусусий кредиторлар томонидан таълим кредити йилига 9800 еврони ташкил этиб, уни қайтариш муддати

кредит бериш текширилгандан сўнг 12 йилгача қисқартирилиши мумкин².

Шунингдек, Германияда кам таъминланган оиласардан чиқсан талабаларга кредитлар фоизсиз берилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда таълим заёмларини қўллаш кенг ривожланган. Заёмлар бериш ҳажми оиласининг даромадларига боғлиқ. Шу билан бирга давлатнинг молиявий ёрдами икки қисмдан ташкил топган.

- таълим заёми белгиланган 10-15 йил ичида қопланиши керак;

- агарда белгиланган муддатда таълим заёми қопланмаса заём берувчи ўзини олган мажбуриятидан соқит қилади.

Бу модель Эстония, Польша ва Австрияда қўлланилади. Унинг максимал қиймати йилига 1300 еврони ташкил этади ва йилига 5 фоиз устама ҳақ олинади.

Кредит олиш учун икки киши кафиллик бериши керак ва тўлов муддати 1 йил ҳисобланади. У ўқиш тугангандан бир йил ўтгандан сўнг тўлай бошланади. Агарда кафиллик муддатида таълим заёми қиймати қайтарилемаса, давлат гарант фонди томонидан кафолатланади. Кредит риски эса давлат бюджети ва хусусий банкка бўлинади.

АҚШда талабаларни қўшимча заёмлаштириш тизими (Supplemental loans for Students) қўлланилади. Қўшимча заём бериш тизими асосан оиласари томонидан ёрдам олмайдиган талабаларга берилади.

Англияда олий ўқув юртлари бошқармаси хузурида йилига 1500000 фунт стерлингга эга бўлган 3 та фонд фаолият кўрсатади. Бу фондларнинг асосий вазифаси талабаларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Асосан олий таълим билан талабаларда бўлган қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида Европа мамлакатларида талабаларга ижтиомий-моддий ёрдам бериш ҳам қўлланилади. Жумладан, Англияда барча талабаларга берилади.

¹ Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. ВЕСТНИК ОГУ №3 (109)/март 2010 г. 30-31 с

² Экономические инструменты повышения доступности высшего образования. Бюллетень о сфере образования. Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. 2015 г. сентябрь. -С. 16.

ётган ижтимоий ёрдам уларнинг харажатларини тўлиқ қопламайди.

АҚШда якка тартибда ва институтционал тартибда филантропия хизматлари мавжуд. Филантропия тадбиркор ва корхоналарнинг олий таълимни молиялаштиришда шерик сифатида ва иқтидорли талабаларни молиялаштиришда қатнашишларида ифодаланади.

Айрим мамлакатларда саноат корхоналарини олий таълимни ривожлантиришга жалб этиш мақсадида «ноллик» солиқ киритилмоқда ёки хомийлик корхоналарига имтиёз бериш амалга оширилмоқда.

Австралияда 1974 йилда таълим олиш учун пул тўлови бекор қилинган бўлса, 1989 йилда қайта ташкил этилди. Талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун олий таълимда ҳиссали иштирок этиш схемаси тузилган (High Education Contribution Scheme – HECS). Ўқиш учун тўлов олий таълим муассасасини битиргандан кейин солиқ тўлаш шаклида амалга ошириб борилади. Ушбу тизим жорий қилингандан кейин талабалар сони 1989 йилга нисбатан 2002 йилда қарийб 80 фоизга, яъни 441 мингдан 795 минг кишигача ортган¹.

Австралияда грантлар ва стипендиялар дастурлари амал қиласи: Youth Allowance, AUSTUDY, ABSTUDY. Мамлакатдаги талабаларнинг учдан бири ушбу дастурларнинг бирида иштирок этади. Грантлар дастурлари бошқаруви Таълим вазирлиги таркибидаги Координация (Centerlink) маркази томонидан амалга оширилиб боради.

Youth Allowance стипендия дастури асосийси бўлиб, 16 ёшдан 24 ёшгacha бўлган, ундан кундузги таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар фойдаланишлари мумкин. Стипендия миқдори талаба ёки унинг ота-онаси даромад миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Youth Allowance солиқقا тортиладиган даромад ҳисобланади.

¹ Воссентшайн Х. Студенческие гранты и доступность высшего образования. Социальная дифференциация высшего образования. / Отв. ред. Шишкин С.В. Независимый институт социальной политики. – М., 2005. -С. 323–378.

AUSTUDY дастуридан стипендия бериш Youth Allowance дастурида белгиланган шартларда бўлиб, фақатгина 25 ёш ва ундан катта ёшдагиларга берилади. ABSTUDY дастури Австралияning аниқ бир ҳудудида ва Торреса оролида яшовчилар учун мўлжалланган. Стипендиялар ўқишни тўлаш, яшаш, транспорт, дори-дармон ва бошқа харажатларни қоплашга ажратилади

Австралияда 1986 йилдан олий таълим солиғи, 1988 йилдан истеъмолчилар томонидан олий таълимни ривожлантириш бўйича харажатларни қоплаш ва 1989 йилдан бошлаб олий таълим ўртача харажатларининг 20%ини қоплаш солиғи қўлланиб келинмоқда. Натижада ҳар бир талаба йилига 1800 Австралия долларида олий таълим солиғини тўлайди.


Олий таълим муассасасини битирган мутахассислар 1% миқдорида солиқ тўлайдилар. Бу тўлов фоизи ўртача даромад 22000 Австралия долларигача бўлганда олинади, ундан юқори – 25000 Австралия долларида даромад олинганда 2% ва 35000 Австралия долларидан ошганда 3% олий таълим солиғи тўланади.

Австралияда олий таълим солиғи ўрнига альтернатив олдиндан ўқиш тўловларини тўлаш ҳам қўлланилади. Бундай ҳолатда талабаларга ўқиш харажатлари 15 фоизга қисқартирилади.

Финландияда (фандрайзинг) талабаларга грант бериш тизими ривожланган. Финляндияда давлат кредитлар қайтарилишига банкларга кафолат беради.

АҚШда талабаларнинг молиявий жиҳатдан аҳволи оғир бўлса, уларга таълим олишга қўшимча грант (SEDG) берилади. Бу грантни олиш талабаларнинг иқтисодий ҳолати ҳамда университетнинг молиявий ҳолатига ҳам боғлиқ.

Европа ва Осиё мамлакатларида франчайзинг моделига асосан учинчи, томон яъни иш берувчи, олий таълимнинг асосий қисмини молиялаштирувчи (франшиз) ва иқтисод ва молия / экономика и финансы 2017, 5

2-расм. Айрим мамлакатларда таълим кредитларининг энг юқори фоиз ставкалари¹.

юқори курсларда ўқиш ва ишлашни ташкил этувчи корхоналар қатнашади.

Бунинг афзаллиги қуйидагиларда ифодаланади:

- давлат бюджети маблағи тежалади;
- битирувчи олий малакали мутахассисларнинг иш жойлари билан таъминланиши, меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорлари муносабатларининг ўзаро мувофиқликда амалга оширилиши таъминланади;
- корхоналар, иш берувчилар талабларига ва заруриятларидан келиб чиқсан ҳолда таълим берилади;
- олий таълим мутахассисларини тайёрлаш харажатлари корхоналар томонидан қопланади;
- олий таълим ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик битимиға эга бўладилар;

● талаба олий таълим олишга қўшимча иш ҳақи топиш ва келажакда ишлаши лозим бўлган жойга ўрганиб боради.

Гарчан франчайзинг модели маълум ютуқларга эга бўлса ҳам, Нидерландия олий мактаблари, АҚШнинг корпоратив бизнеси ва олий ўқув юртларида ундан кичик ҳажмларда фойдаланилади.

Европада янги якка таълим ҳисоби модели қўлланилмоқда. Бу модель ота-оналарга ўсиб келаётган фарзандларига олий маълумот олиш учун зарур маблағларни нафақат жамғариш, балки суғурта тўловлари ҳисобидан амалга ошириш қўлланилмоқда.

Бразилияда ижтиомий ва хусусий олий ўқув юртларида олий малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Ижтиомий олий ўқув юртларида олий таълим олиш бепул бўлиб, улар асосан сұхбатлар тариқасида қабул қилинади. Шу билан бирга кўп олий ўқув юртлари ўрта мактабдаги тест натижаларидан фойдаланадилар, юқори натижа олганлар талабаликка қабул қилинадилар.

Бразилияда ҳукумат томонидан маҳсус талабаларни молиялаштириш фонди ташкил этилган. Бу фонд олий таълим олиш учун ҳаммага тенг шароит яратишга хизмат қиласи. Ёшларни олий таълим олишини

¹ Қуйидаги адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган: Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. ВЕСТНИК ОГУ №3 (109), 2010 г. март, -с. 30-31; Экономические инструменты повышения доступности высшего образования. Бюллетень о сфере образования. Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. 2015 г. сентябрь, -с. 16, Воссенштайн Х. Студенческие гранты и доступность высшего образования. Социальная дифференциация высшего образования. / Отв. ред. Шишкин С.В. Независимый институт социальной политики. – М., 2005. -С. 323-378.; <http://darakchi.uz/uz/article/6411-6-oda-talabalarga-ajratilgan-talim-kreditlari-xajmi-357-mlrd-sumni-tashkil-etdi>

қўллаб-қувватлаш қўйидагича амалга оширилади¹:

- 10 минимал иш ҳақи оловчи уй хўжалиги ёшлари молиялаштириш фондидан 100 фоиз молиялаштирилади;
- 11-15 минимал иш ҳақи оловчи уй хўжалиги бу фонддан 75 фоизгача молиялаштирилади;
- 16-20 минимал иш ҳақи оловчи уй хўжалиги бу фонддан 50 фоизгача фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Талаба олган кредити учун ҳар уч ойда 50 долларгача, ўқишни битиргандан сўнг 18 ойгача имтиёзли асосда тўловни олиб боради. Тўловнинг қолган қисми 13 йил ичидан маълум босқичларга бўлинниб, келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бразилияда олий таълим очиқлиги ҳамда аҳолининг ижтимоий аҳволидан қатъий назар олий таълим олиш имкониятини ошириш мақсадида талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун махсус фонд ташкил этилган. Ушбу фонд 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаб, 75,9 мингта, 2012 йилда 368,8 мингта, 2013 йилда 423 мингта шартнома тузилган, 2014 йилда бу кўрсаткич тўрт баробарга ошган. 2010-2015 йиллар давомида қиймати 44,0 млрд. долларга teng шартномалар тузилган бўлиб, шундан 11,0 млрд. доллари тўғридан-тўғри олий таълим муассасаларига молиялаштириб берилган.

Японияда давлат олий таълим муассасалари жуда кам ҳамда давлат олий таълим олишнинг ярмини молиялаштиради. Японияда талабалар йилига 7-12 минг АҚШ доллар харажат қилишади. Одатда талабалар молиявий ёрдам сўраб Япония стипендия фондига мурожаат қилишади. Ушбу фонддан қарзга фоизсиз ва 3%гача таълим кредитлари олиши мумкин².

¹ Экономические инструменты повышения доступности высшего образования. Бюллетень о сфере образования. Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. 2015 г. сентябрь. -С. 16.

² Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. ВЕСТНИК ОГУ №3 (109)/2010 г. март. -С. 30-31.

Ишлаб чиқариш кучларини тақорор ишлаб чиқаришда олий таълим хизматларининг асосий вазифаси бозор муносабатлари талабаридан келиб чиқсан ҳолда миллий иқтисодиёт тармоқлари учун олий малакали мутахассислар тайёрлашни амалга ошириши керак. Ишлаб чиқариш жараёнини инқирозсиз олиб боришни ташкил этишда унинг асосий омили бўлган инсон капиталлашувининг ўсиб бориши алоҳида аҳамиятга эга.

Фикримизча таълим кредитларини тақдим этиш дастурларида давлатнинг иштирок этиши, кредитларни қайтаришни таъминлашда давлат ролининг ошириб бориши муҳим аҳамият касб этиди.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- талабаларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги шаклларини ташкил этиш, жумладан, талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма тузиш бўйича қонуний ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- кредитни қайтариш ва фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиб, кредит фоизи ва кредитни талаба ўқишни тугатгандан кейин камида бир йилдан сўнг амалга ошириш;
- кредит фоиз ставкаларини мамлакатда инфляция даражасидан келиб чиқиб белгилаш;
- олий таълимни молиялаштиришда франчайзинг моделидан фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш;
- «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронларга фоизсиз ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига имтиёзли кредит тақдим этиш.

Адабиётлар:

1. «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 декабрдаги 327-сонли қарори таҳририда. ЎР ҚХТ, 2013 й., 50-сон, 654-модда.
2. Баирампас Т. Образовательный кредит в России: быть или не быть? // «Качество образования», 2012, № 11. -С. 10–14.
3. Камионка В.В. Перспективы внедрения новой модели образовательного кредитования в Российской Федерации. // «Финансы и кредит», 2012, № 31. -С. 34–39.
4. Диденко Д.В., Ключарев Г.А. Образовательное кредитование в России: состояние, проблемы, пути решения. // «Финансы и бизнес», 2010, № 1. -С. 142–160.
5. Зидерман А. Роль образовательных займов в расширении доступности высшего образования. Социальная дифференциация высшего образования. Независимый институт социальной политики. – М., 2005. –С. 281.
6. Гурьянов А.П. Международные системы образовательного кредитования. ВЕСТНИК ОГУ №3 (109)/2010 г. март. -С. 30-31.
7. Макашина О.В., Чистилина М.А., Практика государственной поддержки предоставления образовательных кредитов в россии и за рубежом. // «Вестник ИГЭУ», 2011, вып. №1. -С. 4.
8. <http://darakchi.uz/uz/article/6411-6-oda-talabalarga-ajratilgan-talim-kreditlari-xajmi-357-mlrd-sumni-tashkil-etdi>
9. Айдрус И.А., Филиппов В.М. Мировой рынок образовательных услуг. – М.: РУДН, 2008. –С. 194.
10. Экономические инструменты повышения доступности высшего образования. Бюллетень о сфере образования. Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. 2015 г. сентябрь. -С. 22.
11. Воссентшайн Х. Студенческие гранты и доступность высшего образования. Социальная дифференциация высшего образования. / Отв. ред. Шишкин С.В. Независимый институт социальной политики. – М., 2005. -С. 323–378.